

Маҳр келиннинг шахсий мулки



19:00 / 16.08.2022 3661

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

أَيُّنَ هُوَ لِكُفِّ أَسْفَنُ هُوَ مَرِيءٌ شَرٌّ عَمُّ كَلَّ نَبِطٌ نِإْفٌ لَحْنٌ نَهْتِ أَقْصَاءُ أَسْنَلَا أُوْتَاو
أَيُّرْم

Аёлларга маҳрларини кўнгилдан чиқариб беринг. Агар ундан бирор нарсани сизга рози бўлиб берсалар, бас, уни енглар. Ош бўлсин, офият бўлсин» (Нисо сураси, 4-оят).

Бу оятда ҳам жоҳилий тузумлар томонидан аёлларга нисбатан жорий қилинган яна бир зулм бекор қилинмоқда.

Исломдан аввал турмушга чиқадиган хотин-қизларнинг маҳрини уларнинг валийлари олишар эди. Гўё бу ишга аёлларнинг алоқаси йўқдек

билишарди. Қизнинг отаси, ака-укаси ёки бошқа яқин қариндошлари куёв томон билан савдони пишириб, маҳрни олиб, ўзлари тасарруф қилишарди. Таъбир жоиз бўлса, қизга худди бирор сигирни сотгандек муносабатда бўлишарди. Ислом бу номаъқул олди-бердини ҳаром қилди. Оила қуришни икки жоннинг бир-бирига раъбати ила, ўз хоҳишлари билан юзага келадиган муқаддас боғланишга айлантирди. Маҳрни эса келинга берилиши фарз бўлган ҳаққа айлантирди.

«Аёлларга маҳрларини кўнгилдан чиқариб беринг».

Берилганда ҳам, куёв томонидан чин қалбдан чиқариб берилиши талаб этилди. Шундай қилиб, маҳр келиннинг шахсий мулки бўладиган бўлди. Бу ҳол келинларни ҳурматлаш, тақдирлаш ва эркалашнинг муҳим бир кўринишидир. Келин ўзига фарз сифатида берилган маҳрнинг тўлақонли эгасидир. Нима қилса, ўзи билади. Жумладан, унинг ҳаммасини ёки бир қисмини куёвга қайтариб бериши ҳам мумкин.

«Агар ундан бирор нарсани сизга рози бўлиб берсалар, бас, уни энглар. Ош бўлсин, офият бўлсин».

Чин кўнгилдан қайтариб берилган маҳрни куёв бемалол қабул қилиб олса бўлади. Шу тариқа Ислом аёлларга ҳақ-ҳуқуқларини тўла олишда яна бир катта ҳукми жорий қилди. Аёл кишининг обрў-эътиборини оширди.

«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди